

МЕДИЦИНА ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИНИНГ ОЛИМЛАРИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ ОРАСИДА



УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР

Меҳмонлар соҳа-соҳаларига қараб гуруҳларга бўлинди. Бир гуруҳ тугруқхонага, бош на гуруҳ фермага, қолганлари касалхоналарга, яна бошқалар эса лекция ўқиш учун мактаб ва клубларга боришди.

Чиноз қишлоғининг шундай марказида юз ўринди касалхона ва шинам тугруқхона бор. Профессор, хирўрг В. Воҳидов, доцент Т. Пальянц ва юқумли касалликлар бўйича мутахассис О. Жаъфаров, гинеколог врач С. Исмоилова ўртоқлар ана шу объектни ташлашди.

Врачлар ҳар кунлик одат бўйича ишни беморларни кўришдан бошлаб юборишди.

— Мен сизнинг қўлингизда ўқиганман,— дейди врач Раҳим Исҳоқов юқумли касалликлар бўлимини айлантирган ўртоқ О. Жаъфаровга. Устоз шогирддан ишнинг қандай бораётгани, қанси даволаш усулларидан фойдаланётгани ҳақида суҳбатлашади. Жойларда профилактика ишларини яхшилаб юбориш ҳақида самимий маслаҳатлар беради.

Шифхонага янги ишга келган терапевт Гулчехра Отаёнова, болалар врач Дилбар Шерматовалар ҳам ТошМИ налдрочларни экан. Тажрибали устозлар ўз шогирдларининг ишни удалаб олиб кетишганини кўриб мамнун бўлишди.

Хирургия бўлимида ётган беморлар талабиди профессор Восид Воҳидовнинг келишидан хурсанд бўлишди. Хирург ҳар бир койна ёнига бориб, даволанётган кишилардан ҳол-аҳвол сўрайди, касаллик тарихи билан қизиқаяди.

— Бу ёшнинг кўр юзгагини кечатин операция қилдик,— дейди касалхона врач Тошпўлат Зокиров.

— Эрта-инди ҳеч нарса кўрмагандик бўлиб кетасиз,— дейди профессор беморни текшириб кўраб экан.

Касалхонани айланиб чиқиш тугагач, врачлар туланишди. Фикрлар умумлаштирилди, камчилик ва ютуқлар дўстона кўрсатилади.

Акушер-гинеколог С. Исмоилова қишлоқ тугруқхонасини кўриб, жуда мамнун бўлганлигини айтди.

ХИМИЯ — МЕДИЦИНАГА

Жойларга кетган гуруҳлар қайтиб келгач, «Чиноз» наслчилик совхозининг клубида район аҳолиси билан врачлар ўртасида савол-жавоб кечаси бошланди. Кечани бошқарма партия комитети секретарининг ўринбосари ўртоқ Тулаган Рустамов оқди. У йиғилганларга меҳмонларни бирма-бир таништириб, тошкентлик врачларнинг медицинани олд саволларга жавоб беришга ҳозир эканликларини айтган, президиумга саволлар ёзиб келди. Клубни тўдириб ўтирган кечаси ўшнинг ҳаммаси ўзини қиянқирган масала ҳақида сўради. Кўпчилик хирургиядаги янгиликларни билишни истарди. Бу ҳақидаги саволларга институт кўкрак қафаси хирургияси кафедрасининг муdiri профессор Восид Воҳидов жавоб берди.

— Давримизда хирургиянинг имкониятлари беқиёс кенгайиб бормоқда,— дейди у. Ҳозир ҳеч бир орган йўқки, хирургия йўли билан даволамасини. Хирург қўли ўпка, юрак, миёна ҳам дадил кириб бормоқда. Хирургия йўли билан даволаш до-

ри дармонлар ёрдамида даволашга қараганда кўпроқ самара бермоқда.

Бир гуруҳ тингловчилар юрак операцияси ҳақида айтиб беришни сўрашди. Ўртоқ Воҳидов бу соҳанинг таланти мутахассиси. У оғир юрак касалига мубало бўлган юзлаб кишиларга қайта ҳаёт бағишлаган.

— Юрак операцияси... Бу сўзнинг ўзи кўрчинчи. Лекин операциянинг ўзи эндиликда хавф туғдирмайдиган бўлиб қолди. Чунки совет хирургла-

ЗАРАРЛИ УРФ-ОДАТЛАР

— Болаларнинг шайтонла- шини қандай тушиниш мумкин? Бу саволга ТошМИ педиатрия кафедрасининг муdiri, доцент Илос Фозилов шундай жавоб қайтарди:

— Шайтонлаш аслида рахит касалидан бўлади. Нимжон бўлиб қолган бола қаттиқ иситмалаб, ёмон аҳволга тушгач, бола шайтонлабди, унга юк тушибди, палочка домлага ўқит, қора то-

вуқ сўй, мол келтир деб қўйишмайди дин пешволари. Уларнинг гапига амал қилиб, беморни даволаб бўлмайди. Эшон ва муллалар касални тузатармиди? Улар кўзбўламачилик қилиб ҳайр-неъс пулини ҳам қоратовуқ ва молни ҳам ўз манфаатларига ўлаштириб оладилар.

Нотиж қўлидаги яна бир саволни ўқийди. «Табилар син-

Яқинда Тошкент Давлат медицина институтининг бир гуруҳ олимлари, турли соҳа врачлари Янгийўл бошқармасига чиқишди. Институт ректори ўртоқ А. Гуломов бошчилигида, медицина фанлари докторлари, профессорлар А. Содиқов, В. Воҳидов, медицина фанлари кандидатлари А. Криженков, И. Фозилов, А. Тимбеков, Т. Қосимов, С. Руми, Т. Пальянц, О. Орифжонов, П. Хамидов, И. Исҳоқов, О. Жаъфаров, гинеколог врачлардан А. Изамшаева, С. Исмоилова ва бошқалар бошқарма

касалхоналари, фермалари, мактаблари, болалар муассасаларида бўлиб, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари ҳақида, совет медицинасининг ютуқлари ҳақида суҳбатлар ўтказишди. Улар жойларда медицина хизматининг қандай йўлга қўйилгани билан қизиқдилар. Беморларни кўрдилар, уларга консултациялар бердилар. Медицина ва дин темасида савол-жавоб кечаси ўтказдилар. Қўйда қишлоқда ўтган ана шу мазмуни бир кун ҳақида ҳикоя қиламиз.

Шу кун «Чиноз» наслчилик совхоз клубининг зали одамларни ўзига сиғдирилмади. Бу ерда ўтказилган қизиқарли савол-жавоб кечасидан сўнг «Мўъжизасиз-мўъжизалар» номини қилинди. Чапдаги суратда институт умумий химия кафедрасининг муdiri доцент Акрот Тимбеков ва шу кафедра ассистенти З. Теплякова ўртоқлар химик тажрибалар кўрсатишмоқда. Ҳаммининг диққат-этибори саҳнада (ўнгдаги су-



Профессор В. ВОХИДОВ.— Хирургия мўъжизалар яратмоқда.



Профессор А. СОДИКОВ.— Туш ҳақидаги ҳақиқат мана шулардан иборат.



Доцент И. ФОЗИЛОВ.— Диний урф-одатлар, беморнинг дардига дард қўшади, холос.

ган-чиққанларни солишадди, бу билан бемор тузалиб кетадими? — Бекор гап. Уларнинг анатомиядан хабари йўқ. Шунинг учун сиғинганлар аъзоларни тахминий солишадди. Кўп ҳолларда табиб қўлга топширилган беморнинг дардига дард қўлишди ва охиб-да врачларга мурожаат қилишди. Врачларимиз ихтиёрида рентген асбоблари, мураккаб препаратлар борки, ана шулар ёрдамидагина бемор ҳақиқий шифо топаолади.

Ухлаш, туш кўриш нима? деган саволга жавоб берган профессор А. Содиқов туш ҳақидаги ҳақиқатни одамларга қайта берди. Уйку ва туш қандайдир табибий, илоҳий нарсаси эмас. Ухлаш— чарчагандан миёна дам бериш демакдир. Туш эса турмуш, ҳаётнинг миёна қолдирган низи бўлиб, одатда эндигина ухлаётганда киши уйғониш олдига туш кўрилади. Баъзан шундай ҳам бўлади: уйкудан одам ўрнидан туриб

юради, гапирари, биров билан уришади, ташқарига чиқади, қайтиб келиб яна ўрнига ётади, лекин ҳеч нарса билмайди. Боласининг бундай ҳалати одагини кўрган баъзи ота-оналар ўқитиш, кинналатиш учун музла ёки аъза-бимжонга кўриб қўлишди. Лекин бу билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Атоқли олим И. Павлов инсоннинг олий нерв фаолиятини текшираркан бундай мураккаб физиологик процессларнинг сабабларини тушунтириб берган. Инсон психикасида бўладиган ёмон ўзгаришларни врачларимиз осонгина бартараф қила оладилар.

Рўза тутиш ва унинг зарари ҳақида суҳбат бўлди. Рўза ҳам диндорларнинг иқибоб бўлган. Улар учун рамазон ойи— инъом, садақа йиғиш, бойлик орттириш ойи бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, гинов ҳақида, бод ва гипертония, кўз касалликларни тўғрисидаги саволларга мутахассислар батафсил ва қониқарли жавоблар берди.

сарғиш тусли илон жилпангладди.

Шу орада трибуна устида вулкан отилди: лойдан ясаб қўйилган қарнай тешигидан бурқисиб осмонга вашиллаб зарралар кўтариларди. Бир насада ҳаммаёқни кукун бўлиб кетди. Ўртоқ Тимбеков бунинг сирин ҳам оддий химик реакциядан иборат эканлигини кўрсатди. Азиз-авдилар, шайх ва дарвешлар бундай ҳодисалардан фойдаланиб авом халқни алдаб келишган. Ўғинида кишилар табиатнинг стихияли кучлари, табиий ва илтимой ҳодисаларнинг ҳақиқий сабабларини билмаганликларидан ақилсўздорлар усталлик билан фойдаланганлар.

Бирин-кетин пахта, спирт лампаси, туғурт ўт қақмай химик йўл билан ёндирилади. Бензой кислотасини ҳайдаб бўрон вужудга келтирилади, шина инчадин дарахт шохларига оппоқ қор ёғдирилади...

Шу кун табиатнинг яна бошқа ажойиботлари ҳақида ҳам кўп маълумотлар берилди. Ҳумладан, ТошМИ физика кафедрасининг муdiri, доцент Саид Руми оламнинг тузилиши, Кўёш ва Ой тутилишининг сирларини ҳақида, совет кишиларнинг космосга эгиллиги йўлидаги муваффақиятлари ҳақида сўзлади.

Залдагилар ҳамма мўъжизаларни яратувчи инсон эканлигига, унинг қўлидаги қудратли қурол илм-фан эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Кеча тугади. Ҳамма ҳалқон, чуқур таассурот билан залдан чиқди. Лекин ҳеч кимнинг олимларини, талантили врачларини кўйиб юборгани келмасди. Меҳмонлар ҳам бугунги учрашувдан натта қониқиб ҳосил қилишди.

Тошкент Давлат медицина институтини партия ташкилоти идеология комиссиясининг атеистик пропаганда секцияси ана шундай учрашувларни яна давом эттирмоқчи. Олимлар, докторлар завоуд ва фабрикаларга, ишчилар, инженер-техник ходимлар хузурига бориш илтидда эканликларини айтдилар. Бу яхши ташаббус.

С. МУСАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР

Савол-жавобдан сўнг саҳнада «мўъжиза»лар кўрсатилди. Бу мўъжизалар йиғилганлар кўз унда диний ақидаларнинг куз-лини кўкка совурди...

лар моддаларнинг ана шундай хусусиятларини тажрибада кўрсатиб, ҳар хил кароматларнинг сирларини фож қилиб ташлади-лар.

Моддаларнинг ҳосаси ва уларнинг бир турдан иккинчи турга ўтиш хусусиятидан ислом, христиан ва будда динлари хомийлари ўз мақсадлари йўлида фойдаланганлар. Масалан, масиҳ ва бутхоналарда шамнинг ўз-ўзидан ёниши ҳусусиятидан садақа йўлида қўйиладиган, Табиий газлар чиқариш жойларда оловга сажда қилишарди. Бу ҳодисанинг сабабисини илоҳий кучдан деб тушутиришарди.

Диний Гимна гуноҳкорларнинг айби борми ёки йўқлигини исбот қилиш учун унга ақонидан тайёрланган суюқлик ичирилари. Уни ичган кишиларнинг баъзилари ўлаб, баъзилари ҳаёт қолган. Бунинг сабабини тушунтириш осон: боғи суюқлик ўнда захарли модда сақлани ёки сақламаслиги мумкин. Албатта захарли моддани сақлаган суюқликни ичган бечора ҳақ бўлса ҳам ҳаёт қолмасди.

Доцент Акрот Тимбеков ва лаборант З. Теплякова ўртоқ

Тажиба йўли билан фирави иломлари ҳосил бўлганда залдагилар ҳан-манг бўлиб қолди. Ўртоқ Тимбеков оддий бир қаттиқ моддани қўлига олади. Уни баянд кўтариб ҳаммага кўрсатади. Сўнгра ўт қақайди. Стол устида турган боғи модда шишиб, натавланиб тулғанади. Томошбабилар ишонқиранимай туришган эди, тажриба яна қайта кўрсатилди, яна

ТУЗ ВА ГИПЕРТОНИЯ

Овқат столи атрафида дўстлар йиғилишди. Уларнинг ҳаммаси овқатнинг таъмига турлича муносабатда бўлишди. Бирини тайёрланган таомнинг таъми тула қаноатлантиради ва у овқатга бир чимдим ҳам туз солмайди. Бошқасига эса овқат чучук туюлади ва яхшилаб тузлагач (баъзан қайта-қайта туз солгач) овқат елбошлайди. Ниҳоят учинчиси, (бунайлар ҳаминша топилди) овқатнинг таъминини тотмасдан, дарҳол унга анчагина туз қўшади. Бундай қарашда арзимас бўлиб туюлган одамлардаги бу хусусият жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунинг тажрибалар кўрсатди.

қарилишни тўғри йўлга қўйиш учун хужайра ичиндаги ва хужайрадан ташқаридидаги натрий ўртасида муайян муносиблик зарурдир. Бу эса сув-туз баланси таъминлаб турадиган реакцияларга боғлиқ. Ана шу балансини маълум даражада бузилиши гипертонияга олиб келади.

Айрим одамлар кўйлаб туз ишлатишни одат қилиб олинган. Уларнинг гипертония касаллигига мубало бўлишдан сақлаш учун тузларнинг буайракда шимиллини келаш йўли. Одатда бизнинг организмимиз бунинг «автоматик» равишда алаҳта охиради. Бирок айрим одамларда бундай тақомиланган бошқарини қобилияти оғайил қилиб қолади. Натижада кечас одамларга хос бўлган лекин физиологик нормалар доирасидан чиқмайди қон босимининг ошганлиги янада кўнайиб кетади.

Шунинг учун гипертония касали билан оғриганлар тузун ҳам истеъмол қилиш билан чегараланб-гина қолмай, унинг организмдан чиқиб кетишига ёрдам берувчи восталарни қўллашлари ҳам керак. Бу ҳол касалликнинг енгил ўтишига яхши таъсир қилади.

Семен СМУГЛИН,
(АПН).

Туза қизиқини даражаси жиҳатидан уч гуруҳга бўлинган бир ярим минг кишининг соғлиғи чуқур текшириб кўрилди. Тузага «бефарқ қаровчилар» орасида гипертония билан оғриганлар бор-йўқи бир процент топилиди, овқатга доимо бирозгина туз қўйиб истеъмол қилувчилар орасида 7 процент, шўр таомга ўч бўлганлар орасида эса энг кўп — 12 процент одамнинг гипертония билан оғриганлиги аниқланди.

Бу рақамлар организмдаги туз миқдори билан қон босими ўртасида узаро муносабат борлигини яхши исботлаб турибди.

Гипертония ўз табиати жиҳатидан мураккаб бўлган қизилқон томари босими даражасини бошқарилиши функциясининг бузилишидан иборат. Бу бош-

қарилишни тўғри йўлга қўйиш учун хужайра ичиндаги ва хужайрадан ташқаридидаги натрий ўртасида муайян муносиблик зарурдир. Бу эса сув-туз баланси таъминлаб турадиган реакцияларга боғлиқ. Ана шу балансини маълум даражада бузилиши гипертонияга олиб келади.

Айрим одамлар кўйлаб туз ишлатишни одат қилиб олинган. Уларнинг гипертония касаллигига мубало бўлишдан сақлаш учун тузларнинг буайракда шимиллини келаш йўли. Одатда бизнинг организмимиз бунинг «автоматик» равишда алаҳта охиради. Бирок айрим одамларда бундай тақомиланган бошқарини қобилияти оғайил қилиб қолади. Натижада кечас одамларга хос бўлган лекин физиологик нормалар доирасидан чиқмайди қон босимининг ошганлиги янада кўнайиб кетади.

Шунинг учун гипертония касали билан оғриганлар тузун ҳам истеъмол қилиш билан чегараланб-гина қолмай, унинг организмдан чиқиб кетишига ёрдам берувчи восталарни қўллашлари ҳам керак. Бу ҳол касалликнинг енгил ўтишига яхши таъсир қилади.

Семен СМУГЛИН,
(АПН).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 24 ЯНВАРЬ 1964 ЙИЛ



Чиноз қишлоғи марказидаги тугруқхонада. Суратда тажрибали гинеколог врач Санобар Исмоилова (ўртада) акушерка Халима Ҳалимова (чапда) ва болалар врач Дилбар Шерматова ўртоқларга консултация бермоқда. А. Абалян фотолари.

Доцент А. КРИЖЕНКОВ.— Медицинада химиянинг аҳамияти беқиёс ўсмоқда.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВЛАРГА

Булаёқ олимпиада ўйинларига яхши тайёргарлик кўриш мақсадида Спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союз Марказий Совети СССР терма командаларини чет элларга — халқаро ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун юборишни лозим топди. Спорт делегациялари составига республика мамлакат спортчилари ҳам киритилган...

БЕШ УЧРАШУВ, БЕШ МАГЛУБИЯТ

Волейбол бўйича «А» класс командаларининг Вутунитифон мусобадаларида ўтказилган дастлабки ўйинлар тамом бўлди. Тошкентнинг «Динамо» командалари волейболчилари Клайпеду шаҳрида бешта учрашув ўтказди. Афсуски, ҳамшаҳарларимиз барча учрашувларда маглубиятга учрадилар...



В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетига Хиндистон ва Мўғулистоннинг кўпгина ёшлари тахсия кўрмоқдалар. Улар нисбатан сўнг улар аспирантурага кириб тинтуларидега стажировкага ўтказилганлар. Суратда: хиндистонлик Шорондинду Гуха ва мўғулистонлик Намерай Доржсуреенлар дам олиш вақтида ўзаро куч синишишмоқда.

АҲОЛИГА МАДАНИЙ ХИЗМАТНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Одатда биз, соч-соқолимиз ёс-ғач, сартарошхоналарга кирмиш юмшоқ креслога ўтириб, хушмузолалик устанинг илтифотидега мамнун бўлиб чиқамиз. Лекин, сартарошхона қаерга қарашли, бу шнаам хонани яхшироқ билан, усталарни эса асбоблар билан ним таъминлайди — бунга лоқайд қарайми.

Яқинда биз пойтахтимиздаги сартарошлик хизмати кўрсатиш комбинатига бўлди. Комбинат директори ўртоқ Ҳабиб Абзамов кейинги вақтларда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги янгиликлар ҳақида сўзлаб берди. Ҳа, кейинги вақтларда комбинатга қарашли ҳамма бўлимларда катта ўзгаришлар вужудга келди. Техника аппаратлари сартарошхоналарга ҳам кириб келди. Бу эса, сартарошлар меҳнатини енгиллаштирди.


Комбинат аҳолига хизмат кўрсатишни яна ҳам яхшилаш ниятида аҳоли тавжухи жойларда янги бўлимлар очилди. Яқиндагина Фрунзе районидеги Стаханов кўчасида 60 киши ишлайдиган янги қаватли сартарошлик комбинати иш бошлаган эди. Орадан кўп ўтмай, шу районнинг Шота Руставели кўчасида яна 30 киши ишлайдиган янги типдаги сартарошхона қурилди. Энди майда сартарошхоналар ана шунга ўхшаш янги типдаги биноларга марказлаш тариқмоқда.

Комбинат сўнги вақтларда 77 сартарошхона ва 37 киши филиаллари реконструкция қилди, керакли буюмлар билан жиҳозлади. Бу ишга 110 миң сўм маблаг сарфланди.

Ҳозир комбинат ишчи ва хизматчилари орасида социалистик мусобақанинг олий формаси — коммунистик меҳнат учун кураш ажл олган. Бу шарафли ном учун курашадиган ўн олти сартарошхонада 180 киши ойлик ва квартал планларини анча ошириб адо этишгани, аҳолига маданий хизмат кўрсатишнинг яқинда ўртоқ Ороутунова мудирлик қилаётган 24 бўлим билан ўртоқ У. Қаландаров мудирлик қилаётган 51 бўлим хизматчилари коммунистик меҳнат брингадаси деган шарафли номни олишга муваффақ бўлишди.

Кези келганда шунинг ҳам айтишни керакли, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли сартарошлик хизмати комбинати тармоқларида ҳали ҳамма ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Нима учун шундай? «Ўрганган қўнгли ўртанса қўйма» қабилида иш тутучи сурбет сартарошларни сизлар ҳам табир-сиз. Ана ўшалар хизмат ҳақи нишанини ўз чўнтақларига буюриб қўйиб, ҳўжакурсини учун нисбонни кассирга узатишади. Еки кассир билан тил бирктириб иш тутушади. Комбинатдаги ана шундай юлчилар коллектив ўртасида ўз вақтида муҳокама қилинмайди. Комбинат раҳбарлари эса уларнинг шахсий делосига «виговор-боллик» эса юлчиларга яхши кор қилмайти. Шунинг учун ҳам баъзи бир сартарошлар орасида мижозлар ҳақида хиёнат қилиш ҳоллари рўй бериб турибди. Кўпгина сартарошхоналарда ҳамуз преискуранга рию қилинмайди. Бунга мисол қилиб Қуйбишев районидеги Сельмаш кўчасига жойлашган 63-бўлим сартароши Дадажонов, Пушкин майдонидеги 57-бўлимда ишлаётган сартарош Бобоқоновларни кўрсатиб ўтиш kifой. Бу ўртоқлар мижозлардан тортинмай-нетмай ортинча ҳақ олишаверди. Сартарошлар А. Лихачева, Н. Симхаева, Я. Гольштейн, А. Ежубова ва бошқалар эса мижозлар билан кўпол муомалада бўлишади.

Бундай камчиликларнинг содир бўлишида сартарошлик хизмати кўрсатиш комбинати раҳбарлари...



Индонезия. Совет Иттифонининг индонез халқига совғаси — Жанартадаги Дўстлик госпитали. Суратда: шифохонанинг бош корпуси. В. Черединов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ЖОНКУЯР ҚАЛБ

Собирижон ота тўсатдан ётиб қолди. Отаҳон касалини қарилликка йўлди. Аммо, фарандлари врач чақиринди. Врач Мафтоҳа Вергазова беморни кўриб, диагностика Собиржон ота хавфли кўр икани билан ортаган эди. Врач Вергазова Собиржон отани касал хонага олиб кетди.

Операция муваффақиятга ўтди. Бемор қувонч тўла қўзғалини Мафтоҳага тикиб: «Умриндан баракат топгин, қизим. Қўнглинг асло дард кўрмасин. Мендек узоқ яшаб, элга хизмат қил!» деди. Кишилардан мана шундай қалб сўзларини эшитиш нақадар яхши! У Собиржон ота сингари минглаб беморларга шифо бахш этди. Мафтоҳа ўзининг синфини тугатиб, Тошкент Давлат медицина институтига ўқишга кирди. Сергайрат қиз институти мана энди тугатаман деб турганида Улуг Ватан уруши бошланиб қолди. Олий маълумотли врач гувоҳномасини олган Мафтоҳа ўз хоҳиши билан фронтга жўнади. Мафтоҳа Вергазова уруш йиллари жанг тўфонлари остида юзлаб солдат ва офицерларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Доворак врач партия сафига ўша уруш йилларида қабул қилинган эди. Вергазова армиядан напиган унвони билан қайтди. Партия ва ҳўкуматимиз Мафтоҳа опанинг хизматларини муносиб тақдирлади. Мафтоҳа Вергазова ҳозир Тошкент шаҳридаги 9-поликлиникада врач бўлиб ишлайди. Жонкуяр қалб эгаси беморларга шифо бахш этгани шиттеки билан лияпти.

М. ҲОЛМУҲАМЕДОВА. Р. УСМОНҚУЛОВ.

НОДИР КИТОБЛАР КўРГАЗМАСИ

Нодир китоблар... Алишер Навоий номи Узбекистон Давлат кутубхонасида ана шундай намёб китоблар анчагина. Кутубхонанинг нодир китоблар бўлими Узбекистон ССРнинг 40 йиллик юбилей олдидан «Узбекистонда матбаачилик тарихи» деган темада натта кўрғазма ташини эттиди.

Туркистонда 1868 йилдан бошлаб дастлабки босмаҳоналар ташини топди. Кўрғазмада ана шу босмаҳоналарнинг махсулотларидан ҳам айрим намуналар кўйилган. Шунингдек, Урта Осиё халқларининг қадимги эзма ёдгорликлари, Урта Осиёнинг Россияга қўшилишидан кейин Узбекистонда китоб нашри, Улуг Ойитбар Социалистик революциясидаги кейинги даврда Узбекистонда нашр этилган адабиётлар маба эмпозициялар материаллари ҳам ранг-барангдир. Меҳнатқашлар Навоийнинг «Хамса», Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», 1897 йилда нашр этилган «Туркистон ҳақида тарихий очерклар», 1871 йилда босилган «Туркистонхонлар ҳақида мақолалар тўплами» каби нодир китобларни ҳам кўришлари мумкин.

А. АНБАРОВ. Р. МАКСИМОВА.

ДИҚҚАТ, ҚУЁШ!

МОСКВА. (ТАСС). Қуёш устида бир қанча доғлар пайдо бўлди. Бу доғларнинг миқдори 8 ситиш. Қуёшнинг ҳозирги даври учун анча катта. Улар Қуёшнинг шарий чекмасидан марказий қисмига томон силжиб бормоқда. Бутун дунёга охиб-қотириш эълон қилинди — «Алерт». Бунинг маъноси шунки, Қуёш обсерваториялари ана шу доғлар группасининг ривожланишини тўхтовсиз кузатиб туришлари лозим. 28 ва 29 январда магнит ва ионосфера бўронлари бўлиши эҳтимоли. Мутахассислар Қуёшда кучли процесслар бўлаётганидан далолат берувчи ана шу доғларнинг оқибатларини аниқлаб чиқишлари керак бўлади.

ХИМИЯ КЕЧАЛАРИ

В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университетининг Биология-тупроқшунослик факультетидеги КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми материаллари кенг ўрганилмоқда. Агрохимия ва тупроқшунослик кафедраларининг ўқитувчилари ҳамда студентлари иштонрида химия фанига бағишланган йилги иш бўлиб ўтди. Ўйилгида биология фанлари доктори профессор С. Н. Рижов химия саноатининг ривожланиши ва унинг халқ ҳўжалигидаги аҳамияти тўғрисида сўзлаб берди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори профессор Н. П. Малинин қишлоқ ҳўжалигида минерал ўғитлардан фойдаланиш, ўғитларни сарфлаш ва ишлаштириш усуллари ҳақида гапирди. Факультетда химия фанига доир савол-жавоб кечалари ҳам ўтказилди.

Р. УСМОНҚУЛОВ.

НАВОИЙ НОМИ ТЕАТРДА

24/1 да Фауст. ҲАМЗА НОМИ ТЕАТРДА — 24/1 да Номус. МУҲИМИЙ НОМИ ТЕАТРДА — 24/1 да Ватан ишчи, 25/1 да Катта концерт. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги аттракцион — «Ирчиқ хайвонлар». Ўргатуви — Валтер Залачиний. Кеч соат 8 да бошлади.

К И Н О

Қиморхонадаги фибригарлик — НАВОИЙ номи, «ИСКРА» кундуз ва кечкурун. Цирк сахнасига йўл — «ВАТАН» (кундуз ва кечкурун). Севги ва орзу — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун).

ҲАМЗА НОМИ ЛЕНИН ОРДЕНИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 25, 26, 28 январда ЯНГИ СПЕКТАКЛ Сарвар Азимов асари

ҚОНЛИ САРОБ

2 парда, 10 эпизодли драма. Рениссёрлар — Узбекистон ССР халқ артистлари А. О. Гинзбург, Қ. Хўжаев, Рассомлар — И. Я. Вальденберг, Д. В. Ушанов. Асосий ролларда: СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Олим Хўжаев, Узбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Саъди Табидуллоев, Узбекистон ССР халқ артистлари Наби Раҳимов, Шариф Қаномов, Гани Абзамов, Қудрат Хўжаев, Тожикон Султонова, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ябра Абдуллоева, Махаммад Умархўжаев ва бошқалар қатнашади.

Спектакл кеч соат 7 да бошлади. Касса эрталаб соат 10 да ойнади. 25, 26/1 га билетлар сотилган.

3% ЛИ ЗАЕМ ОБЛГАЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИНГ!

30 ЯНВАРДА МОСКВА ШАҲРИДА 3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЕМИНИНГ 87-ЮТУҚЛИК ТИРАЖИ УТИЗИЛАДИ.

Тиражда ваъмининг ўн етти разрядга 7.905.340 сўмлик 144.500 ютуқ шу жумладан 5.000, 2.500, 1.000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар ўйналади. Заём облигациялари омонат кассаларида сотилади ва бемалол сотиб олинади.

Калинин районидеги генерал Собир Раҳимов номидаги кўлода турувчи Ҳасан Пулатовнинг шу райондаги Охунбобоев номидаги кўлода турувчи Хосият Пулатовадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

Калинин районидеги Ҳасанбой дилоқ советида турувчи Нортож Норматовнинг шу ерда турувчи Махаммад Аҳмедовдан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

Ялга кўчаси, 1-йили, 15-уйда турувчи Эрим Ханимова Туркестоннинг Радиялаева кўчаси, 29-уйда турувчи Ринат Камилевич Ишқоновадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

Калинин районидеги генерал Собир Раҳимов номидаги кўлода турувчи Ҳасан Пулатовнинг шу райондаги Охунбобоев номидаги кўлода турувчи Хосият Пулатовадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

Калинин районидеги генерал Собир Раҳимов номидаги кўлода турувчи Ҳасан Пулатовнинг шу райондаги Охунбобоев номидаги кўлода турувчи Хосият Пулатовадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

Калинин районидеги генерал Собир Раҳимов номидаги кўлода турувчи Ҳасан Пулатовнинг шу райондаги Охунбобоев номидаги кўлода турувчи Хосият Пулатовадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

Калинин районидеги генерал Собир Раҳимов номидаги кўлода турувчи Ҳасан Пулатовнинг шу райондаги Охунбобоев номидаги кўлода турувчи Хосият Пулатовадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

Калинин районидеги генерал Собир Раҳимов номидаги кўлода турувчи Ҳасан Пулатовнинг шу райондаги Охунбобоев номидаги кўлода турувчи Хосият Пулатовадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

Калинин районидеги генерал Собир Раҳимов номидаги кўлода турувчи Ҳасан Пулатовнинг шу райондаги Охунбобоев номидаги кўлода турувчи Хосият Пулатовадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

Калинин районидеги генерал Собир Раҳимов номидаги кўлода турувчи Ҳасан Пулатовнинг шу райондаги Охунбобоев номидаги кўлода турувчи Хосият Пулатовадан аяралиш ҳақидаги иш Тошкент судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 4-БЕТ, 24 ЯНВАРЬ 1964 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» 4-БЕТ, 24 ЯНВАРЬ 1964 ЙИЛ.